

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, MART,
№ 5-6 (563-564)

БУХОРО ҲАҚИДА

**БАҲОРНИ СОҒИНГАН,
ҚУЁШГА ТАЛПИНГАН,
НАВРЎЗИ ОЛАМНИ
ДИЛДАН СЕВИБ КУТГАН
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
НАВРЎЗ -
БАРЧАМИЗГА ЯНГИ
ИМКОНИАТЛАР, ИЛҲОМ
ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР
ОЛИБ КЕЛСИН!**



ПАЙШАНБА МУЛОҚОТИ: ёшлар муаммолари – ҳокимлар эътиборида

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, ҳар ҳафта пайшанба кунини “Ёшлар кунини” доирасида ҳокимлар ва ёшлар ўртасида очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Бундан мақсад ёшларнинг фикр ва таклифларини тинглаш, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда амалий ечимлар топишдан иборат.

Шу асосда Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Ғиждувон туманидаги таълим муассасаларида бўлиб, ўқувчи-ёшлар билан учрашди. Унда яратилган шарт-шароитларни ўрганиш, моддий-техник базаси билан қизиқди. Таълим сифатини кўтариш бўйича таклиф ва муаммоларни тинглади.

Ёшлар таълим, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш, спорт ва маданият соҳаларига оид таклифларини билдиришди. Шунингдек, айрим ёшлар ўз лойиҳалари ва ташаббусларини тақдим этиб, уларни амалга ошириш учун кўмак сўрашди. Ўқувчилар суҳбатда баъзи мактабларнинг спорт майдони ҳолатини яхшилаш, кутубхоналарни

кенгайтириш ва китоблар фондидини бойитиш зарурлигини очиқлашди.

Ўшбу муаммоларнинг ечими борасида вилоят раҳбари томонидан соҳа масъулларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Ҳар бир билдирилган фикр юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Мулоқот жараёнида долзарб масалалар қатори олий таълимга ўқишга қира олмаган ёшларнинг ҳозирда қандай ишлар билан бандлиги ҳам кенг муҳокама қилинди. Танқидий-тахлилий руҳда ўтган учрашувда ёшлар билан ишлаш тизимида йўл қўйлаётган камчиликлар, ҳудудлардаги аниқ муаммоли ҳолатлар ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилди.

ХАЗОНДАН ҚОҒОЗ ЯРАТГАН ТАЛАБА

Жаҳонгир Назаров, Бухоро давлат
университети Табiiй фанлар ва агробиотехнология
факультети 3-босқич талабаси ҳақида

“Мирзо Улугбек ворислари” танловининг мутлақ ғолиби. “Муҳандислик” танловида “Энг яхши ихтиро” номинацияси тақдирланган ҳамда “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишони соҳиб. “Рақамли авлод” танловида “Энг долзарб ишланма” номинациясини бўйича республика босқичи ғолиби.

У кузги хазон барглари билан экологик тоза қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид инновацион ғояни илгари суриб, юқори натижага эришди. Изланувчан юртдошимиз лаборатория шароитида махсус технологик жараёнлар асосида хазон барглари қайта ишлаб, биологик парчаланадиган қоғоз ва қадоқлаш маҳсулотлари тайёрлаш мумкинлигини исботлади.

(давоми 2-бетда)

“МЕН ҲАМ БЛОГЕР БЎЛАМАН!”



- Қараб тур, “шу ёшимда миллионлаб пул ишладим ва хонадон харид қилдим”, десам, “подписчик”ларим сони ортиб, “звезда” бўлиб кетаман, - деди у ўзига ишонч билан.

- Қўйсанг-чи, қанақасига ахир, эндигина 14 ёшга кирган бўлсанг. Бу ёлғонингга “сенда ҳисоб-китобдан савод нима қилсин”, “ота-онангни пули-ку”, - дейишмайдимми?

- Ишонишади!, - деди у кўзларини катта-катта очиб, - Ҳозир ҳамма шундай қиялпти-ку! Замондан ортда қолиб кетибсан. Ҳали мен машҳур блогер бўламан. Ушанда ростдан ҳам пулим кўп бўлади...

(давоми 6-бетда)

МАКТАБ БИЛИМИ Ё БАҲО?

- Шошяпман, тезроқ бўлақол. Дарсга кеч қолсан!

Инқилаб, мактаб сумкасини зўрға ердан узиб олаётган синглимга юзландим:

- Икки букчайиб қолдинг. Нима дарс жадвалини алмаштириш ёдингдан кўтарилдим?

- Йўқ. Дарсларимни тайёрладим.

- Менга бер-чи, - деб мактаб папкасини кўтариб кўрсам, шунчалик оғирлигидан қўлим узилай деди, - Нима бало, ичига тош солганмисан?

Ҳар бир фандан иккитадан китоб. Қалин ва жуда катта ҳажмдалигини кўриб, ҳайрон қолдим.

(давоми 3-бетда)



ХАЗОНДАН ҚОҒОЗ ЯРАТГАН ТАЛАБА

(давоми, боши 1-бетда)

- Кузги хазон баргларида қўғоз яратиш ғояси қандай пайдо бўлган: бунга болалик хотираларингиз, табиатга бўлган муҳаббатингиз ёки бирор воқеа илҳом берганми?

- Болалигимдан табиатга жуда қизиқардим. Куз фаслида дарахтлардан тўкилган хазонларни кўриб, уларнинг шунчаки йўқолиб кетиши мени ўйлантирарди. Табиатга зарар етказмасдан, фойдали ниманидир яратишни хоҳлардим. Китобларда қўғоз дарахтдан олиниши ва бунинг учун кўплаб дарахтлар кесилишини ўқиганимдан кейин хазонлардан қўғоз тайёрлаш ғояси пайдо бўлди. Шу орқали чиқиндини камайтириш, дарахтларни асраш ва экологияга фойда келтириш мақсадида ушбу лойиҳа устида ишлаб бошладим.

- Биринчи марта бу лойиҳани амалга ошираётганда, камчиликлар бўлганми ва уларни қандай бартараф этгансиз?

- Ҳа, лойиҳани биринчи марта амалга ошираётганимда, бир қанча камчиликлар бўлган. Дастлаб, хазонлардан олинган пульпа етарли даражада мустаҳкам чиқмаган, қўғоз тез йиртилиб кетган ва шакли ҳам текис бўл-



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

Маҳаллий дарахт баргларида фойдаланишнинг яна бир афзаллиги - уларнинг миқдори кўп, арзон ва экологик хавфсиз.

маган. Бундан ташқари, қуриштиш жараёнида қўғоз ёрилиб кетиши ёки жуда қаттиқ бўлиб қолиши каби муаммолар ҳам учради. Бу камчиликларни бартараф этиш учун бир неча марта тажриба ўтказдим. Хазонни майдалаш усулини ўзгартирдим, сув ва тола-

лар нисбатини тўғриладим ҳамда табиий боғловчи моддалар қўшиб кўрдим. Қуриштиш жараёнини ҳам секин ва назорат билан амалга ошириб, яхши натижага эришдим. Кўп марта синовдан ўтказиш орқали ҳозирги сифатли қўғоз намунаси тайёр бўлди.

- Ҳар бир дарахтнинг барги турлича маҳаллий дарахтларнинг барглари бу жараён учун яроқлими?

- Барглар таркиби жиҳатидан турлича бўлади, шунинг учун ҳаммаси бир хил натижа бермайди.

Лекин, маҳаллий дарахтларнинг кўп барглари қўғоз тайёрлаш учун яроқли ҳисобланади. Масалан, терак, тут, чинор, тол каби дарахт баргларида толали моддалар етарли бўлгани учун улардан пульпа олиш мумкин. Мен эса баргларни аралаштириб ишлатиш усулини қўллашни маъқул кўрдим. Бу анча самара берди. Бир неча турдаги пульпа тайёрланганда, қўғоз янада пишиқ ва сифатли чиқди. Маҳаллий дарахт баргларида фойдаланишнинг яна бир афзаллиги - уларнинг миқдори кўп, арзон ва экологик хавфсиз. Шу сабабли лойиҳа, айнан, кузда тўкиладиган маҳаллий хазонлардан фойдаланишга йўналтирилган.

- Анъанавий қўғоз ишлаб чиқаришда улкан заводлар кимёвий моддалар яратиш, кўп сув сарфланади ва анчагина дарахтлар қурбон қилинади. Сифат ва чидамлилик жиҳатидан баргдан ясалган қўғоз оддий қўғоз билан рақобатлаша оладими?...


Бу каби қизиқ сўхбатнинг давомини ушбу ҚР-код орқали видеода томоша қилинг:




Хусан Ҳақимов сўхбатлашди.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор сезиларли даражада ошди. Ёшларга оид давлат сиёсати асосида уларнинг манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.



Ғиждувон тумани, Гулистон маҳалласида ҳам аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ишлари орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилмоқда. Ёшларнинг спорт, санъат ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда “Беш ташаббус олимпиадаси” муҳим ўрин тутмоқда. Маҳалламизда ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида замонавий ташаббус



- “Лидерлик сари” номли онлайн лойиҳани йўлга қўйдим. Шу билан бирга, ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бизнес ва стартапларни қўллаб-қувватлаш, касб-хунар ўрганишига ёрдам бериш ишлари олиб борилмоқда.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга давлат ташкилотлари, тадбиркорлар ва жамоатчилик ҳамкорлигида кўмак кўрсатилмоқда. Шунингдек, “Лидерлик сари” номли Instagram саҳифаси орқали ёшларга мотивацион ва фойдали контент тақдим этилмоқда. Қисқа вақт ичида саҳифа 65 мингдан ортиқ обуначи ва 3 миллиондан зиёд кўришлар йиғиб, ёшлар орасида билим ва тажриба алмашиш майдониغا айланди.

Юсуфжон Асатов,
Ғиждувон тумани,
“Гулистон” МФЙ ёшлар етакчиси.

Мен учун ёшлар етакчиси бўлиш - ёш авлоднинг чексиз салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдек улкан масъулиятдир. Фаолиятим давомида мени энг кўп қувонтирадигани ёшларнинг ҳаётидаги реал ўзгаришлар кўп бўлди.

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН ХИЗМАТ

Масалан, ёш оилалардан бири моддий қийинчилик сабаб ажралиш ёқасига келиб қолган эди. Биз у ёш оилани сақлаб қолдик. Йигитга психологик далда бериш билан бирга, имтиёзли кредит асосида эшик-дараза устахонаси очишига кўмаклашдик. Бугун у оиласини тебратётган фаол тадбиркорлардан бири.

Президентимизнинг тегишли қарорлари ижроси доирасида маҳалла ёшларининг 6 нафари имтиёзли кредитлар эвазига ўз тадбиркорлигини бошлади. Асаларчилик, тикувчилик, иссиқхона ва ишлаб чиқариш йўналишларидаги бу лойиҳалар бугун ёшларнинг доимий даромад манбаига айланди. Ёш хунармандимиз Камола Одилова 100 миллион сўм кредит олиб, чарм буюмлар тикишни йўлга қўйди ва оиласини иш билан таъминлади.

“Шайхон” маҳалласида 2026 йилни “Билимли, касб-хунарли ва китобхон ёшлар йили”, деб белгиладик. Режаларимиз жуда кўп. Маҳалламизда комплекс Ёшлар маркази барпо этишни мақсад қилганман. Ундаги бепул IT-парк, робототехника ва дастурлаш хоналарида йилига камида 300 нафар ёш замонавий касбларни ўрганади. Қаровсиз майдонлар ўрнида универсал



спорт майдончаси қуриш орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиламиз. Ҳар ой ўтказиладиган китобхонлик танловлари ва “Етакчи кубоги” мусобақалари ёшларнинг сеvimли машғулотига айланади. Намунавий фаолият олиб бораётган етакчиларнинг ТОП-100 талигидан ўрин олдим, бу мен учун шараф. Аммо, энг катта ютуғим маҳаллам ёшларининг менга бўлган ишончидир. Мен

улар учун нафақат раҳбар, балки ишончли елкадош бўлишга ҳаракат қиламан.

Фарҳод Нарзуллаев,
“Шайхон” маҳалла ёшлар етакчиси.

МАКТАБ

Қишлоқдан бизникига келган бобом эндигина иккинчи синфга бораётган синглимга:

- Қизим, бор кундалигингни олиб кел-чи, олган аъло баҳоларингни кўриб, сенга пенсия пулимдан атаб қўйганимни бермоқчиман,- деб қолди.

Синглим:
- Бобожон, биз кундалик тутмаймиз, баҳоларимизни интернетда устозларимиз баҳолаб боришади,- деб жавоб қайтарди. Бобом ҳайрон бўлиб қолди. “Ҳа, замоннинг зайли шу-да. Вақти замонларда биз ҳар кунлик олган баҳоларимиз билан бутун синфга мақтанардик. Ҳар ҳафталик баҳоларимизни бобомизга кўрсатиб, ўзимиз учун суюнчи ундирардик. Бу давр эса бошқача”, деб жим қолди. Бобом ҳақ эди.

Бугунги баҳолар kundalik.com сайтида баҳоланади. Биз устозларимизнинг баҳоларидан ҳам кўпроқ қўйган имзоларига қизиқардик. Айниқса, алгебра ўқитувчимиз фамилиясининг бош ҳарфидан жуда йирик қилиб имзолаб берардилар баҳомизни. Қанча уринсак ҳам у кишиникига ўхшамасди қўйган имзоларимиз.

- Шошяпман, тезроқ бўлақол. Дарсга кеч қоласан!

Инқиллаб, мактаб сумкасини зўрга ердан олаётган синглимга юзландим:

БИЛИММИ



- Икки букчайиб қолдинг. Нима дарс жадвалингни алмаштириш ёдингдан кўтарилди-ми?

- Йўқ, Дарсларимни тайёрладим.

- Менга бер-чи,- деб мактаб папкасини кўтариб кўрсам, шунчалик оғирлигидан қўлим узилай деди,- Нима бало, ичига тош солганми-сан?

Ҳар бир фандан иккитадан китоб. Қалин ва жуда катта ҳажм-

далигини кўриб, ҳайрон қолдим. Қизиқиб, она тили китобини варақлай кетдим. Турли хилдаги расмлар кўзни қамаштиради. Аммо, жуда тушунарсиз мавзулар қалашиб ётибди. Ҳа, майли, дедим-да ўзим учун, барибир, энг яхшиши, математика китоби бўлади,- деб математика ёзув дафтарига юзландим. Бир қарашда унчалик ҳам оддий дафтардан фарқ қил-

майди. Мисол ва масалалар бизни ёшимизда бунчалик ҳам мураккаб тузилмасди. Чиндан ҳам иккинчи синф китобими,- деб юзини ўгириб кўрдим. Бу минг, миллионлар мавзуси. Қизиқ, бу ёшдаги болалар ҳали бунчалик катта сонларни ўзлаштира олишармикан? Бир пас хаёл мени ёшлигимга “учирди”.

Китоблар содда, оддий. Утган йилги ўқувчилар йиртган бетла-

БАҲО?

кўтарилмайди”, деган қараш ҳам йўқ эмас. Муаммо айнан шу ерда: зўравонликни оқлашга уринишда, аслида.

8-синф ўқувчиси Эркин Жўраев ўз тажрибасини шундай эслайди:
- *Мактабга боришдан асосий мақсад билим олиш. Лекин, менга*

Мен айб ўзимда эканини айтдим. Спортда натижа кўрсатиб, ишончини оқламоқчи бўлганимни билдирдим. Шунда у киши мени баерига босиб, омад тилади.

Бу ерда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат муҳим жиҳат. Шапалоқ эмас, кейинги самимий

рини китобни олишимиз билан елимлашга тушиб кетардик. Ҳар кунлик дарслар олам-олам қувонч эди. Кундалиқдаги баҳолар сонини санаб, ким кўп “беш” баҳо олганини аниқлардик синфда ўзимизча. Йўлакда директорни кўриб қолсак, бир четдан кўрқа-писа салом бериб ўтардик. Танаффусда нон устига қўйилган сабзили салатни, айниқса, талашиб ердик. Наврўз байрамларида миллий рақслар ижро этардик. Устозимиз ўргатган шеърлар ҳалигача ёдимда. Бугун-чи?

Бугунги кунда ҳар томонда онлайн дарслар. Устознинг ҳам кераги бўлмай қолди. Менимча, шу сабабдан устозга ҳурмат ҳам йўқолди. Ўқувчи учун билим муҳим эмас. Қайси ўқув юртига имтиҳон топширса, фақат шу фандан курсга бориб, фақат шу фанни ўқишим шарт, деган тушунча билан яшамоқда. Мактабга эса фақат давоматдан ўтиш учун борилади. Қаёққа қарамайлик, фақат ва фақат тайёрлов курслари. Ота-оналарнинг эса фарзандлари билан дарс тайёрлаш учун вақтлари йўқ. Баъзи ўқитувчилар отнинг калласидек ойлик олади. Чунки миллий сертификат ва олий тоифани аллақачон олиб бўлишган. Бироқ, дарс жараёнида ўқувчига шунчалик кўп маълумот беришгандан ўқувчилар дарсни тинглашни ҳам хоҳлашмайди. Савияли устозлар ва ёш кадрлар учун жой муаммоси ҳалигача долзарб. Шу ва шунга ўхшаш жамиятимизнинг кемтик жойлари ёш авлод ривожланишига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

- Олажон, кетамизми?

- Ҳа синглим, кетамиз...

Зинадан тушар эканман, бу хаёллар мени бир лаҳза тинч қўй-

мас эди...

Раҳима Атоева

Мактабдан қайтган қўшнимнинг боласи эшикдан кириши билан шоша-пиша гап бошлади:
- *Онажон, синфимиздаги Султонбекни ўқитувчимиз урди...*

Бир қарашда оддий гапдек. Аммо, шу бир оғиз жумланинг ортида бутун бир синф, бир ўқитувчи ва тарбия масаласидаги оғриқли саволлар турибди.

- *Сизлар индамай туравердингизларми?- деб сўради қўшним ўғлидан.*

- *Йўқ, Икки-учтаимиз ўқитувчимизни овутиш учун залга чиқдик.*

ШАПАЛОҚ ёхуд синфдаги ВОҚЕА САБОҒИ



Қўшним, аввало, ўғлига “чақимчилик” қилгани учун танбеҳ берди. Сўнг вазиятни сўради. Маълум бўлишича, дарс пайтида тартибсизлик қилган Султонбекни ўқитувчиси: “Тўғри ўтир, тартиб бузма, билим олсанг, ўзингга яхши”, - деб оғохлантирган. Бунга жавобан ўқувчи: “Мен билан ишингиз бўлмасин, ундан кўра, семиз қоматингизни тўғрилаб олинг”, - дея уни изза қилган.

Синфхона жим бўлиб қолган. Кейин шапалоқ овози эшитилган.

Бу ерда икки оғир ҳолат бор: ўқитувчининг қўл кўтариши - қонун ва педагогик метёларга зид. Ўқувчининг ўқитувчини ҳақорат қилиши эса тарбия ва кадриятларга зид. Шапалоқдан кейин эса вазият янада чигаллашган: Султонбек ўқитувчини ҳақоратлаб, сўккан. Ўқитувчи синфдан йиғлаб чиқиб кетган.

Қолганларимиз эса Султонбекни яккалаб қўйишга келишиб олдик, - деди бола.

Қўшним боласининг тилидаги бу “ижтимоий жазо”дан чўчиб тушиб, унинг бу қарорини рад қилди:

- *Йўқ, болам, бу нотўғри, хато. Яхшиси, сизлар ҳаммаларингиз бирлашиб, уни тарбиялаш йўлини қилинглр...*

Шиддат билан ўзгараётган замонда болалар ахборот оқими, ижтимоий тармоқлар, эркин фикр муҳитида ўсмоқда. Лекин, эркинлик - ўз билганидан қолмаслик, дегани эмас. Бугун айрим ўқувчиларнинг ўқитувчини ҳақоратлашгача бориши жамиятдаги умумий муносабатларнинг инқирозига ўхшайди худди.

Тўғри, ўқитувчининг ўқувчига қўл кўтаришга ҳаққи йўқ, бу қонун билан таъқиқланган. Лекин, жамиятда “қўл бекордан-бекорга



спорт қизикроқ. Билимим пастлигини тан оламан. Шунинг учун дакки эшитганман, ҳатто, тарсаки ҳам еганман. Аммо, ўқитувчимни ҳеч қачон беҳурмат қилмаганман. Бир сафар ўқитувчим тарсаки тушириб, мени шикоят қилади, деб ўйлабми, ўзи кўрқиб, уэр сўради.

мулоқот хотирада қолган. 9-синф ўқувчиси Мадина Комилова эса қатъий фикрда:
- *“Линейка”ларда билими паст болаларни ҳаммининг олдида мулзам қилишга, ўқитувчиларнинг қўл кўтаришига қаршиман.* Кўпчилик ўқувчиларнинг хуло-

саси эса ўртача нуқтада: “Ўқитувчи мажбур бўлмаса, қўл кўтармайди. Ўқувчи ҳам калтак билан билим ўрганмайди. Икки томон ҳам муносабатни уришгача олиб бормаслиги керак”

Бир синфдаги бир шапалоқ эса бу икки инсон ўртасидаги можаро эмас. Бу ота-она тарбияси, мактаб ва оила муҳити ва бошқа-бошқа ўзига хос занжирли муаммо.

Агар ўқитувчи ўзининг ижтимоий мақоми ва иқтисодий аҳволдан норози бўлиб, асабий ҳолатда дарсга кирса, сабр қанчага етади?

Таълим фақатгина билим бериш, дарсликлару баҳолар эмас, балки, икки ўртадаги илиқ маданий муносабат ҳамдир.

Юқоридаги ҳолатга қайтадиган бўлсак, бола сўнги ойларида дарсларга бефарқлашган, оиласидаги муаммолар сабаб руҳий босимда юрган экан. Бу унинг тажовузкор муомаласида намоён бўлади.

Ўқитувчи эса: “Ҳар қанча оғир бўлмасин, қўл кўтармаслигим керак эди”, - деди йиғилишда. Султонбек ҳам синфдошлари таъсирида синф олдида ўқитувчидан уэр сўраган. Ўзлари аввал келишиб олишганидек, уни яккалаб қўйишмаган, аксинча, унинг ёнида қолишиб, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида “кўприк” бўлишган.

- *Ўғлим ўқийдиган ўша синфда муҳит анча ўзгарган. Султонбек ҳам спорт тўғрагига қатнашаётган экан. Ўқитувчиси ҳам: “Бир-биримизни эшитайлик”, деб дарс бошлайдиган бўлган экан,-дейти мийида кулиб қўшним.*

Бир шапалоқ катта можарога айланиши мумкин эди. Аммо, вақтидаги мулоқот уни сабоққа айлантирди.

Сағнура

“ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ” 70+

Бухорода 70 ёшни қаршилаган фидойи журналистлар шарафланди



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

даги маънавий кўприкни янада мустаҳкамлади. Бизни улуглаган халқимиздан, давлатимиздан миннатдоримиз.

Қувонч ва шодиёналар гулдуриси

Маросимнинг бадий қисми самимий лаҳзаларга бой бўлди. Бухоролик санъаткорларнинг дилрабо куйлари залдаги файзни янада ошириб, байрамона руҳ бағишлади. Қувонарлиси шундаки, санъат ва ижод уйғунлашган бу кечада томошабинлар ҳам беихтиёр рақсга тушиб, устозларга бўлган ҳурматларини шодлик ва қувонч орқали изҳор этишди. Зал бўйлаб янраган қарсақлар ва шўх рақслар тадбирнинг расмийликдан йироқ, чин маънода халқона ва самимий эканини исботлади.

Юбилярларга топширилган қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар уларнинг заҳматли меҳнатига кўрсатилган кичик бир миннатдорлик рамзи бўлди. Фахрий журналист Комил Жўраев таъкидлаганидек, журналист учун халқ эътирофидан ортиқ мукофот йўқ, бироқ, бугунгидек юксак эҳтиром кекса авлод учун кутилмаган бахтга айланди.

“Эҳтиром ва эътироф” 70+ Устоз-шогирд қадрияларини давом эттириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бухоро журналистикасининг бой анъаналарини асраб-авайлаш, сўз қадри ва инсон қадрини улуглаш йўли-

Муқаддас Бухоро замини, нафақат, илм-фан, балки, сўз санъати, матбуот ва ижод аҳлининг ҳам табаррук маскани бўлиб келган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган “Эҳтиром ва эътироф” 70+ номли маънавий-маърифий тадбир ана шу анъаналарнинг мантикий давоми сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Тарих ва замонни боғлаган “Вақт занжири”

Тадбирнинг муқаддимаси залдаги ҳар бир иштирокчини бир лаҳзага ўтмишга — Бухоро журналистикасининг илк шаклланиш даврларига етаклади. Намойиш этилган “Вақт занжири” номли видеолавҳа вилоят матбуоти, радио ва телевидениесининг босиб ўтган ма-

шаққатли ва шарафли йўлининг жонли ифодаси бўлди. Унда соҳа фидойиларининг тинимсиз изланишлари, илк эфирлар ҳаяжони ва қораламалардан тайёрланган газета саҳифалари ортидаги заҳматли меҳнат акс эттирилди. Бу тарихий хотира залдаги ёш авлод вакиллари бўлган бўлажак журналистлар учун касбий мактаб вазифасини ўтади.

Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Акбар Рустамов томонидан

ўқиб эшиттирилган вилоят раҳбарининг табригида ҳам мазкур тарихий йўлнинг давомчилари бўлган устозларга юксак баҳо берилди.

Қадр ва қалам

Бухоро ижод мактабининг забардаст вакиллари Иззатилло Хожиев, Мухтор Абдуллаев, Шавкат Асадов, Сулаймон Шодиев, Комил Жўраев, Зухра Қурбонова, Олима Мирзаева, Светлана Аҳмедова, Хадича Рамазонава, Сора Тошева, Олия Остонова, Асхор Истамовларнинг ҳар бири Бухоро журналистикаси ҳаётида ўзига хос из қолдирган. Уларнинг аксарияти давлатимизнинг юксак мукофотлари “Меҳнат шўҳрати” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари соҳиблари экани бежиз эмас. Тантанада сўз олган устозларнинг ҳаяжонли гаплари залдаги талаба-ёшларнинг қалбига етиб борди:

- Биз учун журналистика шунчаки касб эмас, балки ҳаёт мазмуни эди. Бугунги “Вақт занжири” лавҳасини кўриб, босиб ўтган йўлимиз, нақадар, машақ-



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

қатли, аммо, шарафли бўлганини яна бир бор ҳис қилдик. Мана шундай эътибор ва эъзоз биздек кекса авлод вакилларига чексиз қувват бағишлайди, - дейди Хадича Рамазонава.

Бу фикрларга қўшилган ҳолда Сора Тошева ҳам ўз фикрларини билдирди:

- Бугунги кун журналистикасининг имкониятлари беқиёс. Биз замон шиддатига мос равишда ижод қилаётган ёшларни кўриб қувонамиз. Бугунги тадбир эса устоз ва шогирд ўртаси-

даги энг ёрқин маънавий воқеа сифатида хотираларда қолди. Тадбир якунида таъкидланганидек, бугунги кун журналистлари устозларнинг бой тажрибасини ўрганиши, сўз масъулиятини ҳис қилиши ва яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиши лозим.

Гулшода Иброҳимова,
Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси
вилоят бўлими раиси.





ҚАҲВА УЙҚУНИ ҚОЧИРМАЙДИ!



ИЛК УНИВЕРСИТЕТ ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?



ИЧИНГИЗДА ИШЛАБ ТУРГАН “ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ” БОРЛИГИНИ БИЛАРМИДИНГИЗ?



Исмдош, отдош	Бахшида	Қулоқ-томоқ шифокори	Вулқон Япония	...-ахлоқ	Бас қил, бўлди	Улуш, ҳисса	Орқа (синоним)	Совуқ (қад.)	Татарча димлама	Рейн дарёси ирмоғи	Номаълум сон		
Пайкал, экинзор				Темир-йул устaxonаси				Мар. Африкадаги дарё					
Граф мушкетёр				Қўй подаси, сурув				Бармоқ тақинчоғи					
				Ғазал мисраси				Университет босқичи					
				Ғалча, довдир				Айёр, шум					
Имомимика	Ада (шевада)	Сигир (шевада)	Онғ, шуур	Офат	Самоа пул бирлиги	Қадимги чўт	Қоч, ... тур	Қўшиқлар ... паради	Чғизилуван конфет	Қадар, довури	... Ўтар (шоир)		
Қандли ва қандсиз ... (касаллик)						Ободончилик маъбудиди («авесто»)							
Туркия пойтахти						Аббос ... (актёр)							
Брокер (ўзбек.)						Шимоллий кутб							
			Ха (хоразмча)			Игорь Эмильевич ... (фокусчи)		2-шахс куплик					
«Тик...» (драже)	Анод акси	Япониядаги шаҳар	Италия футбол жамоаси	Анонс				От-... (қадимий улов)	Жоҳил, аҳмоқ	... Фаёзова (актриса)	Католиклар руҳонийси		
Велосипед русуми								Пакана буйвол					
... Мехмет (турк шоири)								Қийшиқ квадрат					
Дили бошқа, ... бошқа								Ёзувчи, ижодкор					
Ўт, аланга								Корея пули					
								Ра қизи (миф)					
Қовун тури	Гул тури	Сигир суддони	Фильм, сериал	Симба-нинг амакиси	Эҳтиёж, зарурат	Тулқи (русча)	Заҳарли судралувчи	АҚШ даги штат	Нерв тизими	«Мона...» (расм)	Озгин	Гулдон	
Майизли пишириқ					Мажлис (парламент)			Александр ... (реж. Россия)					
Салом...					Пардоз, сайқал			Ҳеч қачон, асло					
... Черязова (спортчи)					Бўйсунмас, тутқич бермас			... Несин (ҳажвчи)					
Мева номи					Вужуд, гавда			Ботқоқ «булбул»и					



ЭНДИ ҲАЙДОВЧИЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАНЛАР АВТОМАШИНА БОШҚАРСА, ҲОЛАТ КАМЕРАЛАР ТОМОНИДАН АНИҚЛанаДИ



“BUXORO YOSHLARI” ГАЗЕТАСИ 25 ЁШДА! “ҲУМО” СПОРТ МАЖМУАСИДА ЁШЛАР БИЛАН!



“МЕН ҲАМ БЛОГЕР БЎЛАМАН!”

(давоми, боши 6-бетда)

Ўсмирлар у ёқда турсин, ҳали сўзларнинг маъносини, турли ҳаракатлар, имо-ишораларнинг нималигини тушунмаган, ҳатто, тиши чиқмаган болачалар машҳурликка даъвогарлик қилишяпти. Айниқса, уларда даромад топишга қизиқиш, мақтанчоқлик ва кимўзарга кийиниш ортидан кибр пайдо бўла бошламоқда. Афсуски, бу каттаю-кичик учун бирдек юқумли “касаллик”ка айланиб бораётгандек. Шунга яраша уларнинг на таъсири ва на маъноси бор контентларни англаб-англамай саҳифаларига жойлашгангани оғриқли. Телефонни олишади, камерани ёқишади ва видео бошланади: челленжлар, трендлар, қисқа роликлар... Аммо, шу жойида савол туғилади, контент ортидаги масъулиятни ким ўйлаяпти? Миллат фарзандларининг онгида ана шундай мақсадсиз олинаётган видеолар яқинларга бефарқлик, илмдан кўра, контентлар келтираётган даромадни афзал билиш ва айниқса, одамларга нисбатан ҳурматсизлик ҳиссини ривожлантираётгани сир эмас. Қолаверса, ўз-ўзидан қониқмаслик, жиззакилик ҳамда сабрсизликни тарғиб қилаётган-

ни маданиятсизлик, фаросатсизликни келтириб чиқаряпти. Тўғри, фойдали билим улашадиган, жамиятдаги муаммоларни кўтарадиган, одамларни ўйлашга мажбур қиладиган контентлар бор. Лекин, кўрувчилар ҳам ҳазил ва бачкана видеоларга ўч бўлиб қолишяпти. Ватанни эъозлаш, анъаналарни тарғиб қилиш ва билим улашувчи контентлар зерикардидек, гўё. Бу билан ёшлар ҳақиқий билим ва маҳоратни ошириш кераклигини унутишмайтими? Бугун “контент орзуси” билан юраётган ёшлар эртага қайси касбнинг этагидан тутаяди? “Подписчик” ортидан қувиш кимни қандай инсон қилиб вояга етказаяди? Шу тарзда саволлар ортидан саволлар ёғилаверади. “Катта бўлсам, блогер бўламан”, -деганлар сони ортаверади. Бу йўл билан машҳурликка эришиш осон бўлиши мумкин, бироқ, блогерлик фақат камерага қараб гапириш, арзирли-арзимас контентлар чиқариш эмас! Бу катта аудитория, таъсир ўтказиш ва масъулият, демак.

Сиз қандай фикрдасиз, ёшларнинг блогер бўлишга қизиқиши улар учун имкониятми ёки хавф?

ЗулфиЗАР

ТАЛАБАЛИК – ЮКСАК МАРРАЛАР ТРАМПЛИНИ

Ҳар бир инсон ҳаётида пойдевор вазифасини ўтовчи даврлар бўлади. Талабалик ана шундай бетакрор ва масъулиятли босқич. Бу давр диплом олиш, ўзлигини англаш, замонавий дунё қарашини шакллантириш ва юксак марралар сари илк дадил қадамдир.



доим муваффақиятга яқинроқ бўладилар. Олийгоҳ турли илмий, маданий ва спорт тадбирларда қатнашиш, талабалар уюшмаларида фаол бўлиш кўникмаларини ошириш, янги имкониятлар эшигини очишга хизмат қилади.

Талабалик йилларини беҳуда сарфлаш ўрнига, улардан самарали фойдаланиш, интилиш ва ўз орзуларини ҳақиқатга айлантириш лозим. Ҳар бир талаба ўз олдига мақсад қўйиб, тинимсиз ҳаракат қилса, муваффақиятга эри-

Бугунги тезкор замонда талаба фақат назарий дарслар билан чекланиб

устозлар ўғити ва мустақил изланишлар орқали белгилаб олган.

Талабаликда муваффа-



қолмаслиги лозим. Касбга муҳаббат, интизом ва таҳлилий фикрлаш, айнан, шу йилларда шаклланади. Муваффақиятли шахсларнинг аксарияти ўз йўналишини талабалик пайтида

қиятнинг 5 муҳим тамойили бор. Булар аниқ мақсад ва режа, вақтни самарали тақсимлаш, инновацион тафаккур, устоз-шогирд аънаси ва ижтимоий фаолликдан иборат. Фаол талабалар ҳар

шиши аниқ. Чунки бугунги талабалар эртанги жамият етакчилари, инноваторлар, олимлар ва муваффақиятли инсонлардир!

Зарина Тўраева,
БухДПИ магистранти.

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ КАТТА ШАҲАРЛАРГА КЕТИШ ИСТАГИ ОРТИДА НИМА БОР?

Қишлоқ бекати... Бу ерда вақт тўхтаб қолгандек туюлади. Аммо, айнан шу ердан катта ҳаётнинг шиддатли оқими бошланади. Бекатда турган йигит ёки қизнинг қўлидаги биттагина сумкада фақат кийим-кечак йўқ. У ерда онасининг тугунга туғиб берган дуолари, отасининг “болам кам бўлмасин”, деган умид тўла нигоҳи ва яна қанчадан-қанча орзулар бор.


Бу манзара кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор. Шу ерда савол туғилади: Нега қишлоқ ёшлари шаҳарга талпинади? Улар фақат пул топиш истаги ёки ўзлигини исботлаш эҳтиёжи билан йўлга чиққанми? Бундан ўттиз-қирқ йил аввал қишлоқнинг энг иқтидорли ёшлари “катта шаҳарда ўқиб, “одам” бўламан”, - деб ниёт қилишган.

Ўша давр ёшлари учун шаҳар гўёки, зиё маскани, кутубхоналар ва илм-фан маркази эди. Бугунги авлоднинг интилишлари эса янада шиддатли. Энди шаҳар, нафақат, илм балки, имкониятлар полигоми ҳамдир.

Бугун пойтахтнинг ёки вилоят марказларининг энг нуфузли ташкилотларида

ишлаётганларнинг катта қисми кечагина далада меҳнат қилган, чироқ ўчиб қолганда, шам ёруғида китоб ўқиган ўша қишлоқ болаларидир. Мен ҳам Бухоронинг

энг чекка қишлоқларидан бирида туғилиб ўсдим. Мана, беш йилдирки, ўз мақсадларим



ва болалик орзуларим сари шаҳарнинг гавжум кўчаларида ўз йўлимни топишга ҳаракат қиламан. Бу беш йил фақат ғалабалардан иборат бўлмади. Унинг ичида соғинч бор, тунги мутулаалар, қишлоқдан келган “яхшимисан, болам?” деган қисқагина кўнгирикдан кейинги кўз ёшлар бор.

Бу йиллар ичида “Вухоро yoshlari” газетасида қаламимни чархладим. Ҳар бир ёзган сатримда қишлоқнинг содда ва самимий одамларини, уларнинг заҳматкаш қўлларини тасвирлашга интилдим. Бугун соҳада озми-кўпми натижага эришаётган эканман, бу менинг эмас, мени дуо билан кузатиб қолган қишлоғимнинг муваффақиятидир. Мен шаҳарга фақат ўзим учун келмаганман. Мен қишлоқнинг бир қизи сифатида, ортимдан келаётган тенгдошларимга “биз ҳам қила оламиз, биз ҳам жамиятнинг энг юқори поғоналарига лойиқмиз”, - деган фикрни исботлаш учун келдим.

Бугун шаҳарни забт этаётган қишлоқ ёшлари эртага ўз қишлоқларини шаҳарга айлантириш, у ерга зиё ва тараққиёт олиб бориш қудратига эга бўладилар. Биз бекатда турган ўша йигит ва қизнинг умидларини алдашга ҳаққимиз йўқ.

Дилнавоз Тўхтаева



Вобкент туманининг "Сўфидехқон" маҳалласи бугунги кунда 3205 нафар аҳоли истиқомат қилаётган, ўзига хос ижтимоий муҳитга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Маҳаллада аҳолининг турли қатламлари билан тизимли ишлаш, эҳтиёжманд оилалар ҳамда алоҳида эътиборга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашда ижтимоий ходим фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК: 17 ЙИЛЛИК САБР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходим Муҳтарома Абдуллаева томонидан олиб борилаётган ишлар аҳолининг фаровонлигини ошириш, муаммоларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур маҳаллада 82 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида иш олиб борилиб, ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилади. Ана шундай фуқаролардан бири — Ҳамза Саломов. У киши бир неча йиллар аввал содир бўлган бахтсиз ҳодиса сабабли узоқ йиллардан буён тўшакка михланган ҳолда ҳаёт кечириб келмоқда. Турмуш ўртоғи Маҳсума опа эса 17 йилдан буён унга меҳр ва сабр билан ғамхўрлик

қилиб келган, аммо бу ҳолат расмийлаштирилмаган эди.

Ижтимоий ходим оиланинг аҳолини ўрганган, аввало, Ҳамза акани чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш чорасини кўрди. Шунингдек, "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан дори-дармон воситалари учун моддий ёрдам ажратилди.

Шу билан бирга, "Фаол ҳаётга қадам" дастури асосида Маҳсума опа турмуш ўртоғига қаровчи сифатида расмийлаштирилиб, унга ойлик маош тайинланди. Унга психологик хизмат ҳам кўрсатилиб, маънавий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилди. Юридик хизмат кўмағида судга даъво аризаси киритилиб, турмуш ўртоғига қараган даври учун 17

йиллик меҳнат стажи тиклаб берилди. Шунингдек, оиллага электр энергияси ва табиий газ тўловлари учун компенсация белгиланди ҳамда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу каби амалий ишлар маҳаллада инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаёт сифати яхшилланишига хизмат қилмоқда. Маҳалладаги ижтимоий ходим фаолияти эса аҳоли дардини эшитиш, муаммоларга ечим топиш ва фуқаролар фаровонлигини таъминлаш йўлида муҳим ўрин тутаётгани билан аҳамиятлидир.

Зарнигор Нафиддинова,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот котиби.

ОНА СУТИ - БОЛА САЛОМАТЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Она сути бола учун энг табиий ва шифобахш озуқа ҳисобланади. Айниқса, туғилгандан кейинги дастлабки сут (оғиз сути) боланинг иммунитетини мустаҳкамлаб, турли касалликлардан ҳимоя қилади.



Она сути таркибида углеводлар, оқсил, ёғ, витаминлар ва минераллар бўлиб, боланинг суяклари, мияси ва қон айланиш тизимининг соғлом ривожланишига ёрдам беради. У боланинг ривожланишига қараб, ўз таркибини ўзгартириб туради ва доимо тоза ҳамда мос ҳароратда бўлади.

Мутахассислар чақалоқни ҳаётининг биринчи 6 ойида фақат она сути билан озиқлантиришни тавсия қиладилар. Бу боланинг соғлом ўсиши ва кучли иммунитетга эга бўлиши учун жуда муҳим.

Мавлуда Қурбонова, Дилноза Ибрагимова,
Бухоро шаҳар туғруқ комплекси шифокорлари.

Жиноят ва жазо

БОЛА САВДОСИ

Бухорода чақалоқ "нархи"ни 35 миллион сўмга баҳолаган аёл 3 йилга қамалди



Бола савдоси - одам савдосининг энг жирканч кўринишларидан бири. Ачинарлиси, бундай жиноятларга баъзан ўз фарзандини моддий манфаат учун восита сифатида кўрган оналар ва уларнинг яқинлари ҳам қўл урмоқда.

Бухоро вилоятида юз берган ҳолат ҳам қўшничилик орқали бошланган. Фуқаро Н.Қ. қўшнисини Г.О.га вояга етмаган фарзанди борлиги, уни боқишда қийналаётгани ва яна ҳомиладор эканини айтган. Шундан сўнг Г.О. унинг ҳали туғилмаган фарзандини фарзандсиз таниши Г.С.га беришни таклиф қилган.

Г.С. болали бўлиш умидида Н.Қ. билан алоқа ўрнатиб,

ҳомиладорлик даврида унга моддий ёрдам бериб келган. Бола туғилгандан кейин у чақалоқни қонуний тарзда қарамоғига олган. Бироқ, орадан кўп ўтмай, Н.Қ. фикрдан қайтиб, ўз фарзандини қайтариб олишини билдирган.

Бу вазиятдан фойдаланган Г.О. Г.С.дан болани қайтариб олмаслиги эвазига 35 миллион сўм талаб қилишни режалаштирган. У келишил-

ган маблағнинг 15 миллион сўмини ўзи олишни, қолган қисмини эса боланинг она-сига беришни мўлжаллаган.

Бироқ, бу жиноий келишув ҳақида хабардор бўлган қўшни С.Р. ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилган. Ўтказилган тезкор тадбир давомида Н.Қ. 35 миллион сўмни олаётган пайтда қўлга олинган.

Суд жараёнида воситачи Г.О. айбни рад этишга уринган бўлса-да, аудио ёзувлар ва бошқа далиллар унинг жиноятдаги ролини тасдиқлади.

Натижада суд Г.О.ни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди (вояга етмаган шахсга нисбатан одам савдоси) билан айбдор, деб топиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Акрам Раҳимов,
Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди раиси.

ҲАЙДОВЧИНИНГ ОЗОДЛИГИ ЧЕКЛАНДИ

Қоракўлда ЙПХ инспекторига пора бермоқчи бўлган ҳайдовчи жазоланди

Қоракўл туманида йўл-патруль хизмати ходимига пора беришга уринган фуқаро суд ҳукми билан жазога тортилди. Очиқ суд мажлисида айбланувчи И.Ж.га нисбатан 2 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Суд материалларига кўра, "Янгибозор" маҳалласи, "Саёт" қишлоғида яшовчи И.Ж. ўзининг "Damas" русумли автомашинасида ҳаракатланаётган вақтида ЙХХБ инспектори томонидан тўхтатилган. Текширув давомида у ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда транспорт бошқараётгани аниқланган ва автомашина жарима майдончасига жойлаштирилган.

Маълум бўлишича, у 2024 йилда маст ҳолда автомашина бошқаргани учун 1 йил 6

ойга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Маъмурий жавобгарликдан қочиб мақсадида ҳайдовчи инспекторга аввал 1 миллион, кейин эса 2 миллион сўм пора таклиф қилган.

Инспектор бу ҳолатни тегишли органларга билдирган. Тезкор тадбир давомида И.Ж. 2 миллион сўмни пора сифатида бермоқчи бўлган пайтда қўлга олинган.

Судда айбланувчи қилмишидан пушаймон эканини билдирган. Суд унинг айбига иқдор бўлгани ва аввал судланмаганини инобатга олиб, 2 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Бобораҳим Очилов,
Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман суди раиси.

МЕРОС ИШИ

Бухоро шаҳар Абдулазим Сомий кўчаси, 36-уй, 62-хонада яшаб, 2025 йил 16 майда вафот этган Ҳусенов Фирдавс Ҳақимовичнинг мол-мулкига мерос иши очилди. Шу муносабат билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

- Ў-ў, бор,
четга чиқ, сахна
“чегараси”дан ўтма.
Ўзи шундай-да
ҳам сахна гилами
оёқлар тала-тўпидан
абжаги чиқди. Бор,
бор, нарироққа
ўйна!- Наврўз
байрам дастури
ташкilotчиларининг
тўғридан-тўғри
ерда тўшалган
гиламга чиқиб,
рақсга тушаётган
болажонларни
дуртқиляб-суртқиляб
четга суриб
чиқариши бирпасда
уларнинг юзидаги
завқ-шавқниям
учириб юборди.



Дастурхонлар ҳақиқатан тўлиб-тошган. Аммо, “қўл теккизиш”га рухсат берилмаган дастурхон неъматлари, деярли, ейилмай қолиб кетди.

Сунъий дабаба ортидаги “мажбурият”

Қоровулбозор тумани вакили: “Наврўзнинг фаизи дастурхоннинг кўп ёки лиқ тўлалигида эмас, аслида, ниятнинг тозаллигида. Аммо, кўргазма учун шунча пиширилган тайёрлаб келишга мажбурмиз”,- дейди.

Миллий байрам ва сайл ортида ётган исрофгарчилик “беллашуви” мажбурияти кўз-кўз қилишга асосланган сунъий дабабанинг белгиси, холос. Аммо, бу кўпроқ маънавий қадриятлардан йироқлашиб бораётган одатга айланиб қолаётгани билан хавотирли.

Халқ орасида Наврўз дастурхонига оид бир ривоят бор. Бир қишлоқда Наврўз куни бир бой катта дастурхон ёзган. Ҳил-ҳил таомлар, ширинликлар - ҳаммаси бор. Қўни-қўшнилари ҳам бойдан қолишмай, дейишиб, катта-катта лаганларда турли хил ноз-неъматлар олиб чиқишибди. Шу пайт бир камбағал деҳқон фақат битта косада оддийгина ош олиб келибди. Одамлар ҳайрон.

- Нега бунча кам?

- Бу ош ҳалол меҳнатимдан тайёрланган. Наврўзнинг баракаси шу косада ҳам етарли.

Айтишларича, ўша куни катта дастурхон ёйган бой ҳам, бошқа одамлар ҳам айнан, ўша ошдан ейишибди.

Мақсад, миллий байрамда урчиб кетаётган кўргазмабозлиги исрофгарчиликларни танқид қилиш эмас, балки, байрам мазмунини сақлаш, уни борича келажак авлодга етказиш.

Мутахассисларнинг фикрича, Наврўзнинг асл ғояси табиатни асраш, инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш ва янги умидлар билан ҳаётни бошлашдир. Шунинг учун сўнгги йилларда баъзи жойларда яхши ташаббуслар ҳам пайдо бўлмоқда. Наврўз куни кўчат экиш акциялари ўтказилмоқда, маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этилмоқда, миллий ўйинлар қайта тикланмоқда. Бу изчил ҳаракатлар, албатта, хайрли.

Наврўз одамларни ярлаштириш, дилларни яқинлаштириш, табиат билан бирга янгилашни байрами. Шу боис, унинг ҳақиқий қувончи баланд сахна ёки дабабали дастурхонларда эмас, болаларнинг беғубор кулгисиди, қўшнилари дуосиди ва одамлар қалбидаги самимийликда яшайди.

Шундай экан, Наврўзни безакли ва кўргазмабозли томоша эмас, қадрият сифатида асрайлик. Зеро, байрамнинг энг катта безаги одамлар қалбидаги меҳр ва самимиятдир.

Лайло Ҳайитова

ЯСАМА РАМЗЛАР ВА КЎРГАЗМАБОЗЛИКЛАРДАН УЗОҚЛАШАЙЛИК

- Э-э, байрамнинг билан, хўпми? Шунақа силтайдими болани?!
- Гиламинг тоза бўлсаям, майли эди. Бола-да, ўйнайди-да!
- Ўзи байрамни ким учун қиляпсан, бор-э, - дея бир нечта хотин-халажлар жоврашиб, сахна олдида болалариниям олиб, қўл силтаб кетишди.

Сахна олдида ҳайдалган болалар

Тўғридан-тўғри ерда тўшалган яшил катта гиламда “Наврўз” сайли томошаси. Шоу-дастури бошланган. Сахна миллий анъана ва урф-одатлар акси туширилган кўргазмалар билан безанган. Сахна ўртасида эса сумалак рамзий қозонда “қайнаб” турибди. Атрофида рамзий капкир тутган одамлар фонограммада кўшиқ ва лапарларни, гўё, авжга миндиришган. Миллий ўйинлар эса фақат сценарийда. Амалда замонавий кўшиқ ва рақслар. Эстрада хонандалари бири кўйиб, бири олади. Орада хориж мусиқалари ҳам янграйди: ёшлар рақсларга тушишган, болажонлар эса қандай мусиқа эканини фарқлашмай, завқланишади. Рақслар авжида болажонлар сахна гилами “чегараси”ни босиб кўйишгани учун ташкilotчи уларни четга суриб, ўдағайламоқда. Ота-оналар тажанг. Сахна олдида ҳайдалган болалар эса хархашада...

Ҳисобот учун ташкил қилинган бундай сахна чиқишлари асл Наврўз ҳақида ёш авлодга бетакрор таассурот қолдирмаслиги аён. Бу ҳолатни кузатиб, дилимиз бир қадар оғриydi. Негадир, ҳаммамиз яхши билса-да, сценарийли томошалардан тўхтамаймиз.

Наврўз - халқимиз ҳаётида янгилашни, табиат уйғониши ва одамлар қалбини бирлаштирувчи байрам сифатида нишонланиб келинади. Қадимда Наврўз катта сахналардан ёки расмий концертлардан бошланмаган. Байрам оддий маҳаллаларда, қўшнилари орасида бошланган.

Аёллар ва болалар бирга сумалак қайнатган, эркаклар ҳашар қилиб, кўча ва ҳовлиларни тозаллаган, ёшлар миллий ўйинлар уюштирган. Кечга бориб эса кўшиқ, лапар ва рақслар билан байрам давом этган.

Аммо, бугунги байрам дастурларини кузатиб, Наврўз ҳақиқий миллий қадрият сифатида яшайптими, у ўзининг асл руҳини сақлаб қолдими ёки у сахнавий шоу ва кўргазмали тадбирларга айланиб бормоқдами, деган саволлар туғилади. Асосий мақсад Наврўзни томоша сифатида нишонлашми ёки унинг ҳақиқий маъносини сақлаб қолишдами?

Кўргазмабозлик сояси

“Бизнинг ёшлигимизда Наврўз ясама сахналарда эмас, одамлар орасида бўларди. Кенг далаларда, лозим бўлса, яйловларда ўтказиларди. Қозонларда сумалак қайнар, ҳалисалар пиширилди, маҳаллалар аҳли бирлашарди. Қўни-қўшнилари йиғилишарди. Бу байрамнинг гўзаллиги эса одамларнинг дастурхон атрофида ўтириб, бир-бирини дуо қилишда эди.

Бу қадриятлар қишлоқларимизда ҳозир ҳам бор. Тўғри, томошаларнинг бугун катта-кичик сахналарда рамзий ашёлар билан ўтказилаётгани бироз эриш бўлса-да, соз-наволар ҳар жой-ҳар жойда янграб турибди. Аммо, болалар завқ-шавқига гўёки, сценарий томошаларини

“Бизнинг ёшлигимизда Наврўз ясама сахналарда эмас, одамлар орасида бўларди. Кенг далаларда, лозим бўлса, яйловларда ўтказиларди. Қозонларда сумалак қайнар, ҳалисалар пиширилди, маҳаллалар аҳли бирлашарди. Қўни-қўшнилари йиғилишарди. Бу байрамнинг гўзаллиги эса одамларнинг дастурхон атрофида ўтириб, бир-бирини дуо қилишда эди.

баъзан тадбирлар шунчалик расмий ва сценарий асосида ташкил этиладики, у халқона руҳдан бироз кўринишлар рамз ва кўргазмалар орқали “бошқарилади”. Миллий рақс ва миллий ўйинлар қисқа намойиш этилади.

“Мутасаддилар келиб-кетгунча, қўл теккизманг...”

Наврўз, деганда кўпчиликнинг кўз олдига мўл-кўл дастурхон келади. Бу меҳмондўстлик ва саховат белгиси. Бироқ, оғриқли жиҳат: Наврўз дастурхонлари миллий таомлар ва миллий пиширилган намоишида кимўзарчилик авжга минади. Туман, шаҳарлар номи ёзилган дастурхонларни безаш - худди анъанавий “беллашув”га айланиб кетган. Сайлга чиққан маҳаллий одамлару хорижлик сайёҳлар бу миллий таомлардан ё харид қилишни ёки татиб кўришни истайди. Йўқ. Токи, мутасаддилар дастурхонларга “баҳо” бериб ўтишмагунча, қўл теккизиш йўқ. Бу байрам одамлар учунми, ёки мутасаддилар учунми?

Бир тадбирда бўлиб ўтган воқеа бунга мисол бўла олади. Наврўз куни дастурхонлар кўрик-танлови уюштирилмоқда. Бир туман ўн хил миллий таом тайёрлаган бўлса, иккинчиси салкам йигирма хил миллий таом ва пиширилган билан қатнашди.

MUASSIS :
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:

O‘zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:

Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:

20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1300 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:

Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

**Navbatchi muharrir: Zulfizar Mavlonova
Vizual muharrir: Dilnavoz To'xtayeva
Tasvirchi: Husan Hakimov**

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 21.03.2026 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orkali biz bilan birga bulin.